

Давр: Дунё цивилизацияси



09:39 / 24.10.2021 3099

Али Тантовий роҳимаҳуллоҳ айтади:

«Баъзи кишилар менинг даъватларимни эшитиб, мени тараққиётга қарши, ривожланишдан узоқ инсон, дейишади. Таажжуб...

Мен машинанинг ўрнига эшак мининг, самолётни қўйиб туя мининг, электр токини ўчириб қўйиб шам ёқинг, шифохоналарни қўйиб саҳродаги ўт-ўланлар билан даволанинг, агар сизга қарши душманингиз ракета, самолёт ва танклар билан урушса сиз уларга қарши найза, қилич ва камон билан курашинг, дейдиган жиннига ўхшайманми?!

Йўқ азизлар! Бу гапни фақатгина жинни айтиши мумкин. Дунё цивилизациясини уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи даврга аввалги асрларда Фиръавнлар, Финикияликлар, Хусийлар, Бобилликлар, Юнонлар

ва Римликлар каби яқин шарқ давлатлари асос солишган.

Иккинчи даврга эса ўрта асрларда мусулмонлар асос солишган. Ўрта асрларда Европа зулмат, қоронғулик, қолоқ ва ваҳшийлик ичида эди. Аммо Ислом шарқида тараққиёт ва маданият асри бошланган эди.

Учинчи давр эса ҳаммага маълум, Европаликлар асос солишди. Аммо биз мусулмонлар бу тараққиётга бегона эмасмиз. Бу тараққиётнинг манбаси аслида бизмиз. Бунда биз шерикмиз. Аммо биз бир замон уйқуда қолдик. Карвон ўтиб кетди. Биз маконимизни йўқотиб қўйдик. Уйғонгач йўқотганимизни топиш учун югурдик. Уйғонишимиз билан биз олдин кўрмаган, бизга бегона бўлган нарсаларни кўрдик. Дарров иккига бўлиндик. Биринчи гуруҳ у нарсаларни фаҳламасдан, тушунмасдан, ажратмасдан олаверди. Бу хато эди. Аслида динимиздаги собит асосларга хилоф келмайдиган, одатларимизга зид бўлмаган, бизга манфаатли бўлган нарсаларни олишимиз тўғри бўлар эди. Нега энди маданият неъматларини тарк қилишимиз керак?!

Бугун биздаги энг фақир киши ҳам халифа Абдулмалик ибн Марвондан яхши яшайди. Абдулмалик ибн Марвоннинг тиши емирилиб ковак бўлди. Ундан сассиқ ҳид чиқа бошлади. Уни даволаш, пломба қўйиш учун шифокор топа олмади. Бугун энг фақир инсон ҳам тиши оғриси шифокорга бориб тишини даволаб пломба қўйдириши мумкин.

Халифа Ҳорун ар-Рашид Бағдоддан Маккага бориши учун туяда ёки бирор ҳайвонда икки ой йўл босиши лозим эди. Биз эса бу масофани самолётда икки соатда босиб ўтаяпмиз.

Халифа Абу Жаъфар Мансур ичаклари оғришидан қаттиқ дард чекар, оддий таблеткаларни топа олмас эди. Биздан оддий одам уни топиб, ичакларини вирус ва микроблардан тозалаши, оғриғини қолдириши мумкин.

Маданиятнинг бу неъматларини тарк қилишимиз керак деб ким айтди?! Ахир Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

«Аллоҳ ўз бандаларига чиқарган зийнатларни ва покиза ризқларни ким ҳаром қилди?!», деб айт», дейди-ку!

Йўқ! Аммо биз айтамикки, гарчи барча инсонлар уни тараққиёт деб билсада, усиз яшаб бўлмайди деб ҳисобласада, Европадан бизнинг ақидамизни бузадиган, бизни ҳаромга туширадиган нарсаларни олмаймиз!

Абдулқодир Полвонов